

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА – ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИНИ ЁЗИШ БЎЙИЧА  
УСЛУБИЙ КЎРСАТМА**

**5A210902 – РЕКЛАМА мутахассислиги учун**

Тошкент - 2010 й.

**Тузувчи:** Саидов А.А. Магистрлик диссертациясини ёзиш бўйича услубий кўрсатма.

Ушбу услубий кўрсатма «Архитектура муҳитлари дизайни» кафедрасида бажариладиган магистрлик диссертацияси учун «ДАВЛАТ СТАНДАРТИ» асосида ишлаб чиқилган бўлиб, магистрантнинг танлаб олган мавзусига қараб индивидуал дастурга қўшимча равишда «ТАЛАБЛАР» ишлаб чиқилди. Ихтисосликдан келиб чиқиб, магистрлик диссертациясининг изчил босқичлари, уларнинг асосий мазмуни ва ҳар бир босқич натижаларига бўлган талаблар ишлаб чиқилган кўрсатмаларда ифода этилади.

«Архитектура муҳитлари дизайни» кафедраси

ТАҚИ Илмий-услубий Кенгашининг қарорига мувофиқ тайёрланди.

**Такризчилар:** Қодирова Т.Ф. - «АТН» кафедраси профессори, архитектура доктори

Мухаммаджонов Қ.Х. - архитектура номзоди, профессор

## **СЎЗ БОШИ**

Магистратура олий таълимнинг муайян «Дизайн» йўналиши бўйича иккинчи босқичи бўлиб, бакалаврият олий таълим негизида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг узлуксиз таълим тизимида магистрлик босқичи бакалаврият ва фан номзодлиги босқичи оралиғидаги бўғимдир.

Магистрлик диссертациясини ҳимоя қилиш ва «Магистр» даражасига эга бўлиш Олий таълим дастурининг якуний босқичларидан бири бўлиб 5A210902 «Реклама» мутахассислиги бўйича фундаментал ва амалий билимларга эга бўладилар, унда магистрнинг:

- Давлат таълим стандартларида белгиланган даражани кўзда тутадиган таълимий ихтисослик дастури бўйича олган фундаментал ва чуқурлаштирилган билимлар асосида мустақил ижодий фаолият юритиши ҳамда илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик иш кўникмаларига эга бўлиши;
- Магистрлик ёки унга яқин ихтисосликка мувофиқ келадиган мутахассислик бўйича аспирантурада ўқиши ёки фан номзоди илмий даражасини олиш учун илмий тадқиқот иши юритишга тайёрлаш кўзда тутилади.

«Архитектура муҳитлари дизайни» кафедрасида магистрларни тайёрлаш «Реклама» мутахассислиги бўйича амалга оширилади:

Кафедра фаолияти таълим жараёнининг узлуксизлиги ва мақбуллигидан келиб чиқиб ташкил қилинади. Ўқув таълимий ва касбий дастурлар буюртмачиларнинг эҳтиёжлари, шунингдек, архитектура ва дизайн соҳаси мутахассисларини тайёрлаш бўйича давлат стандартларини ҳисобга олган ҳолда кафедра томонидан мустақил тарзда ишлаб чиқилади, тасдиқланади ва амалга оширилади.

### **1. МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИГА ҚЎЙИЛАДИГАН АСОСИЙ ТАЛАБЛАР**

Магистрлик диссертацияси танланган мавзу бўйича тадқиқот натижаларини ақс эттирувчи илмий ёки илмий-амалий мазмундаги малакавий битирув иши даражасида бўлиб, таълим дастурига жавоб бериши шарт. Ушбу диссертация ишининг бажарилиши магистрантнинг мустақил равишда илмий-амалий изланиш олиб боришга, касбий муаммоларни кўра олишни ўрганиш ҳамда уларга ҳал қилишнинг умумий усуллари билиши ҳақида далолат бериши лозим.

Магистрлик диссертацияси магистрантнинг илмий жиҳатдан етуқлиги ва мутахассислик ёки ихтисослик бўйича чуқур касбий тайёргарликка эгалигини тавсифлаши зарур. Шу боис магистрлик диссертациясининг муаллифи ўз ишида илмий малакавий даражасини мустақил ҳолда илмий-

тадқиқот юритиши ҳамда муайян илмий-амалий вазифаларини хал қила олиши кўникмаларини намоиш эта олиши керак.

Магистрлик диссертациясининг мазмуни, ижодий ўзига хослиги, муаллифнинг соҳа бўйича билими, шахсий тажрибалари ва қарашлари билан фарқланади. Диссертация ҳимояга тақдим этилганда, автореферат тайёрлаш, нашр қилдириш ва тарқатиш талаб қилинмайди.

Магистрлик даражаси изланувчиси Давлат аттестация комиссиясига фақат ўз диссертацияси (илмий раҳбарининг хулосаси билан) ташқи тақриз ва магистрлик касбий дастури бўйича ўз шахсий режасининг бажарилиши ҳақидаги маълумотномани тақдим қилиш билан чекланади. Магистрлик диссертациясини тайёрлашнинг умумий тамойиллари номзодлик диссертациясини тайёрлаш билан ўхшашдир.

## **2. МАВЗУ ТАНЛАШ ВА МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИНИ ТАЙЁРЛАШ**

### **2.1. Магистрлик диссертациясининг мақсад ва вазифалари**

Магистрлик диссертацияси малакавий битириш иши сифатида магистрантнинг таълимий даражасидан ҳамда битирувчида илмий ходимга мос бошланғич кўникма ва малакаларнинг мавжудлигидан далолат беради.

Магистрлик диссертациясининг мақсади мавзу бўйича магистрнинг шахсий кузатишлари натижасида тўпланган барча илмий ва амалий далилий маълумотларни мустахкамлаш ва тартибга солишдир. Бунда магистрант диссертациядаги у ёки бу ҳолатларнинг илмий ёки амалий аҳамияти ва қийматини асослаб беради. Тадқиқот мақсадига жамият учун умум аҳамиятли бўлган меъёр ва мезонлар асосида илгари сурилаётган ғоялар, хулоса ва тавсияларнинг ҳақиқатлигига онгли равишда ишонтириш орқали эришилади.

Магистрлик диссертацияси мустақил лойиҳавий, илмий тадқиқот иши бўлиб, унинг асосида мавжуд вазиятларни кўзда тутадиган аниқ мақсад ва вазифалар ётади. Магистрлик диссертацияси унинг муаллифи мустақил илмий изланиш олиб боришга ўрганганлиги, касбий муаммоларни тушуниши ва уларни хал қилишнинг энг умумий усуллари ва йўл-йўриқларини билишдан далолат беради.

Магистрлик диссертациясининг вазифалари ушбу муаммо юзасидан тадқиқот ўтказиш зарурлигини асослаш, методология ва усуллари танлаш, ахборот йиғиш ва уни қайта ишлаш, тадқиқотнинг мантикий чуқур ўйланган режасини ва ўтказилган тахлилий тадқиқотнинг натижаларини изчил асослаб баён этиш ва хулоса чиқаришга қаратилгандир.

### **2.2. Кафедрадаги магистрлик диссертацияларнинг мавзулари**

«Архитектура муҳитлари дизайни» кафедрасида ҳар йили магистрлик диссертациялари мавзулари ишлаб чиқилади, институт илмий-услубий

кенгашида муҳокама қилинади ва тасдиқлаш учун Илмий кенгашга тақдим қилинади. Илмий кенгашда тасдиқланган магистрлик диссертациялари мавзулари магистратура тингловчиларига танлаб олиш ва конкрет раҳбарлар бириктириш учун тавсия қилинади.

Илмий-тадқиқот ишларнинг мавзулари кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилади. «Архитектура муҳитлари дизайни» кафедрасида фақат бир «Реклама» мутахассислиги бўйича магистрлик диссертациялари тайёрланади.

Замонавий бино, иншоот, қурилма, кўча, майдонлар, боғларни архитектуравий-бадий образини яратишда реклама ва амалий графикани аҳамияти ва роли ўрганилади.

Реклама ва реклама қурилмалари кўпроқ экстерьерда қўлланилса, амалий графика экстерьерни ва интерьерни дизайн ечимида кенг иштирок этади. Магистрлик диссертациясини мавзуси ўтган замонда ва ҳозирги даврда қандай ўрганилган (тарихий обзор) ва хулосага келинган.

Магистрлик диссертация ишида бугунги кундаги муаммони ўрганиб чиқиб, аҳволни батафсил муҳокама қилиш зарур. Тадқиқотни вазифасига кирувчи бу муҳокама асосида магистрантнинг шахсий илмий хиссасини белгиловчи тадқиқотнинг хусусий муаммо ва мақсади ифодаланиши керак.

Одатда иш кўргазмали-назарий тадқиқотнинг уч кўринишини бир-бирига боғланган ҳолда ўз ичига олмоғи зарур:

- 1) Таҷрибага асосланган материал таҳлили (мавжуд илмий натижалар, ҳужжатлар, меъёрлар, фактлар);
- 2) Муаллиф томонидан шахсий тадқиқот ва изланишлари натижасида эришилган натижалар, хулосалар, янгиликлар;
- 3) Назарий томондан таклифлар бериш (кўринишлар орасида янги боғланишларни, умумлаштириш ва хулоса чиқариш, архитектура ва дизайн таклифларини илгари суриш ва асослаш.

Магистрлик диссертацияси қуйидаги масалаларга бағишланган бўлиши мумкин:

- Архитектура муҳитидаги реклама ва уни дизайн ечими.
- Реклама ва архитектуравий муҳитни бадий ечимда амалий графиканинг ўрни.
- Архитектуравий муҳитни бадий ечимида анъанавий амалий санъатнинг ўрни.
- Замонавий архитектура муҳитини яратишда анъанавий амалий графикани трансформацияси.
- Шаҳар дам олиш зоналарини ландшафт-дизайн ечимлари
- Шаҳар архитектуравий муҳитида ҳажмий-фазовий инсталляцияларни қўллаш тенденциялари.

Диссертация қуйидаги схема асосида тузилиши керак:

- Асосий фикр-муаммо;
- Муаммо фикрни исботлаш ва тасдиқлаш;

- График чизмалар, фотосуратлар келтириш;
- Хулосалар;
- Хулосаларга асосланган лойиҳавий таклиф бериш.

### **2.3. Магистрлик диссертацияси мавзусини, иш режасини келишиш ва тасдиқлатиш жараёни**

Магистрлик диссертацияси учун тавсия этилаётган мавзулар: реклама ва амалий графика; замонавий архитектура ва дизайнда миллий меъморчилик ва графикани қўллаш; архитектура муҳитини бадиий савиясини ошириш каби муаммоларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида тузилган бўлиб, тадқиқий характерга эгадир.

Диссертация мавзусининг тўғри танланиши унинг муваффақиятли якунланишини таъминлайди. Магистрант диссертацияси учун мавзу танланганда, диссертация иши лойиҳаси ўзлари ўтадиган магистрлик дастури йўналишига мувофиқ келиши кераклигини эсда тутишлари керак.

Магистрант диссертацияси мавзуси бўйича қатъий қарорга келгач, ўзи томонидан танлаб олинган мавзунинг унга бириктириш ҳақидаги институт ректори номига ариза ёзади (Илова 1.). Аризада магистрлик диссертацияси мавзусининг номи кафедра мудирининг билан келишган ҳолда тўлиқ ва тўғри шаклда ёзиб кўрсатилади. Мавзу танлаб олинган магистрант илмий раҳбарнинг бевосита иштирокида диссертацион тадқиқот иш режасини ишлаб чиқади.

Илмий раҳбар магистрлик диссертацияси иш режасини ишлаб чиқишда иштирок этиш билан бир қаторда бошқа масалаларда ҳам ёрдам беради, жумладан:

- Мавзу бўйича зарур адабиётлар, маълумотномалар, материаллар ва бошқа манбалардан фойдаланишга доир тавсиялар ва маслаҳатлар бериш;
- Бажарилган иш мазмунининг қисмлар бўйича ҳамда яхлитлигича баҳолаш;
- Диссертацияни ҳимояга тақдим этишга розилик бериш.

Диссертациянинг бажарилиши жараёнининг назорат қилиб бориш ва илмий-услубий ёрдам бериб бориш кафедра мудирининг томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган «Магистрлик диссертациясининг тайёрлаш бўйича топшириқлар» асосида амалга оширилади (Илова 2.).

### **2.4. Магистрлик диссертациясининг тузилиши ва мазмуни**

Магистрлик диссертациясининг тузилиши бўйича тадқиқот ишларининг олиб бориш учун магистрантга илмий изланишнинг мақсад ва вазифалари ҳамда олдига қўйган тадқиқот мақсадларига етишиш йўллари, шунингдек диссертацияни тайёрлаш босқичларининг тўғри танлашга имкон беради. (Илова 3.).

Бўлажак диссертацион тадқиқот тузилиши лойиҳаси кафедра мажлисида албатта муҳокама қилиниши, унинг мазмуни бўйича айрим тузатишлар киритилиши ва камчиликлари кўрсатилиши шарт. Тадқиқотнинг амалиётдан ўтказилган ва муҳокама қилинган тузилиши (структураси) тасдиқланган давлат стандартларига мувофиқ магистрлик ишини тайёрлашнинг ишончли воситасидир.

Магистрлик диссертацияси тузилиши (структураси) қуйидагилардан иборат:

- Диссертация титул варағи;
- Диссертация (мазмуни) мундарижаси;
- Кириш (ёки муқаддима);
- Диссертация таркиби ( боблар, бўлимлар);
- Хотима (хулоса, тавсия ва таклифлар);
- Лойиҳавий таклиф;
- Фойдаланилган адабиёт, архив материаллари (чизма, фото) рўйхати;
- Илова (график қисмлари) рўйхати.

Титул варағи диссертациянинг биринчи бети ҳисобланади ва қатъий қоидалар асосида тўлдирилади (Илова 4). Титул варағидан кейин диссертациянинг мундарижаси жойлаштирилади. Боблар ва бўлимлар номи, шунингдек уларнинг изчиллиги диссертациянинг матни билан тўлиқ мос келиши шарт.

**Диссертация (мазмуни)нинг мундарижаси** тадқиқот таркибини кўрсатувчи сарлавҳалар рўйхати бўлиб, магистрлик диссертациясида боб, қисм, бўлим ва параграфлар номлари қисқартирилмасдан тўлиқ келтирилади.

Кириш қисмида қуйидагилар берилади:

- Тадқиқот мавзусининг долзарблиги;
- Муаммонинг ечими;
- Тадқиқот предмети;
- Диссертациянинг мақсад ва вазифалари;
- Тадқиқотнинг илмий жихатдан янгилиги;
- Амалий аҳамияти.

Диссертациянинг асосий қисми ҳар бир алоҳида олинган архитектура ва дизайн мавзуси ёки объект хусусиятидан келиб чиқади. Намуна сифатида эса ушбу қисм қуйидаги тахминий бўлимлардан таркиб топиши мумкин:

Биринчи бобда мавзунинг умумий назарий-амалий масалалари, магистрлик диссертацияси тайёрлаётган ташкилот, муассаса, корхона ва бирлашманинг қисқа талаблари берилиши лозим. Шу бобда тарихий обзор берилади, яъни шу мавзуга аввалги замонларда қандай ёндошилган.

Иккинчи бобда кўрилатган масаланинг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинади, муаллифнинг тўпланган материаллари асосида тадқиқот объектида

мавжуд камчиликларни йўқотишга қаратилган таклифлари ва тавсиялари асосланиши керак.

Тажриба орттириш даврида йиғилган ҳамда тадқиқот жараёнида таҳлил килинган материаллар асосида хулоса чиқарилади. Шундай қилиб диссертация мазмунининг асосий ғояси ифодаланади.

Учинчи бобда муаллиф томонидан ўрганиб чиқилган материаллар асосида тадқиқот объекти ташкилий тузилмасининг энг мақсадга мувофиқ кўриниши далиллар ёрдамида асослаб берилади, шунга мос жадваллар тавсия этилади, такомиллаштириш йўллари таклиф этилаётган қарорларнинг иқтисодий самарадорлиги иложи борица аниқланади.

Магистрлик диссертацияси умумий ҳажмининг 10-15% ни хулоса ва тавсиялар ташкил қилади. Диссертациянинг айрим боблари ҳам хулоса ва таклифлар билан тугалланиши мумкин, аммо улардан энг муҳимлари ишнинг якунида акс эттирилиши керак. Диссертация сўнгида магистрант ўз хулосаларига асосланган лойиҳавий таклиф беради.

### **3. МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИНING РАСМИЙЛАШТИРИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН АСОСИЙ ТАЛАБЛАР**

#### **3.1. Магистрлик диссертациясининг ҳажми ва расмийлаштириш қоидалари**

Магистрлик диссертациясини расмийлаштириш унинг мазмунини ёритиш билан бир қаторда турадиган энг муҳим жараёндир. Диссертация тузилмаси мазмуни магистрлик тадқиқотнинг асосий мақсадини ёритишга қаратилган бўлиши керак. Изчилликни бузадиган, кейинги натижаларга алоқаси бўлмаган материаллар диссертация матнига киритилмаслиги керак. Иккинчи даражали материаллар диссертациясининг охирида «ИЛОВА» сифатида берилиши мумкин. Магистрлик диссертацияси қўлёзмаси ва график қисми тугагандан сўнг илмий раҳбар рухсати билан биргаликда босмохона талабларига мос равишда муқоваланган бўлиши зарур. Магистрлик диссертацияси қўлёзма ва график қимсларидан иборат бўлиб, таркибий ва мундарижа қисмлари бир-бирига мос келиши керак. Диссертация иши матнида график ва иллюстратив материаллар ҳам берилиши мумкин.

Тадқиқот мазмунини яққол намоёиш қилиш мақсадида иллюстратив чизма ва лойиҳалар (формати А-1, ўлчами 594x841 мм.лик) 12-16 планшетга чизилади. Лойиҳа асосида бажарилган макет ҳам намоёиш қилиниши мумкин. Демонстрацион материаллар: чизмалар, график-расмлар, фотолар, схематик тавсифлар, лойиҳалар, макетлар ва ҳокозо ҳажми чекланмайди, илмий раҳбар томонидан тавсия этилади.

Магистрлик диссертацияси магистрант ўқиган тилда ёзилиши тавсия этилади. Магистрлик диссертациясининг умумий ҳажми 1,5 интервалда 80-

100 бетдан (иллюстрациялари билан) иборат бўлиши керак. Диссертация кўлёзмасининг ҳошия ўлчамлари 5-иловада кўрсатилган.

### **3.2. Магистрлик диссертациясига бериладиган тақризларга қўйиладиган талаблар**

Магистрлик диссертациясига илмий раҳбар хулосаси ҳамда ташқи тақриз берилади ва уларда қуйидаги масалалар ёритилиши шарт:

#### **ИЛМИЙ РАҲБАР ХУЛОСАСИДА:**

1. Диссертация мавзусининг долзарблиги;
2. Магистрлик диссертацияси мавзусининг магистрантнинг асосий иш жойи билан боғланганлик даражаси;
3. Магистрлик диссертациясининг мақсад ва вазифалари муаллиф томонидан қай даража ёритилганлиги;
4. Тадқиқотнинг илмий жиҳатдан янгилиги;
5. Ўтказилган тадқиқот натижаларининг илмий қиймати;
6. Тадқиқотчининг илмий таҳлил қила олиш қобилиятини қисқача таърифлаш;
7. Магистрант хулосалари ва таклифларининг асосланганлиги;
8. Диссертациянинг магистрлик диссертациясига қўйиладиган талабларга мослиги акс этиши керак.

#### **ТАШҚИ ТАҚРИЗДА:**

Диссертация мавзусининг долзарблиги;

1. Тадқиқотнинг янгилиги ва диссертация ишининг илмий-амалий натижаларини асослаб бериши;
2. Диссертациянинг амалиёт учун аҳамияти;
3. Диссертация мазмуни ва унинг тугаллаганлиги даражаси;
4. Олиб борилган тадқиқотнинг илмий ва амалий қиймати;
5. Диссертациянинг магистрлик диссертациялари талабларига мослиги баён этилиши керак.

Тақриз ҳажми одатда 3-5 бетдан иборат бўлиб, тақризчининг шахсий имзоси қўйилади, берилган сана ва рўйхатга олинганлик рақами кўрсатилади. Тақризчи имзоси у ишлайдиган ташкилот томонидан муҳр билан тасдиқланиши шарт.

Тугалланган диссертацияни магистрант касбий таълим дастури бўйича шахсий иш режасини бажарганлиги тўғрисидаги маълумотнома, шунингдек раҳбар хулосаси ва ташқи тақриз билан бирга дастлабки ҳимоядан ўтиш учун кафедрага тақдим этади.

Кафедранинг илмий тўпламида чоп этиш учун магистрлик диссертациясининг 1,5 оралик (интервал)да ёзилган 12-18 бет ҳажмдаги диссертациянинг асосий мазмуни ёритилган тавсифини тавсия этиш талаб қилинади. Кафедра мудири диссертация иши билан танишиб, ҳимояга

қўйиш тўғрисида қарор қабул қилади ва кафедра бўйича барча битирувчилар иштирокида дастлабки ҳимояни ташкил этади. Дастлабки ҳимоя ўтгандан сўнг кафедра мудирини барча материалларни Давлат аттестация комиссиясига топширади.

Магистрантнинг ўзи томонидан тайёрланадиган ва Давлат аттестацияси комиссияси йиғилишида сўзланадиган нутқ матни ҳимоя учун энг зарур ҳужжатдир. (5 илова) Шунингдек магистрантнинг диссертациянинг сифатини, шунингдек магистрантнинг диссертация устида олиб борган барча ишлари натижасини баҳолайди.

Дастлабки ҳимоядан ўтмаган ёки ҳимояга тавсия этилмаган ҳар қандай диссертация иши «ТУГАЛЛАНМАГАН» деб, дастлабки ҳимоядан ўтган, бироқ очиқ ҳимоядан четлатилган диссертация иши «ҲИМОЯ ҚИЛИНМАГАН» деб ҳисобланади.

1-илова  
Тошкент архитектура-қурилиш институти  
Ректори \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_ гуруҳ магистранти  
\_\_\_\_\_дан

## АРИЗА

Сиздан \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

(магистрлик диссертациясининг тўлиқ номи)

Мавзусида магистрлик диссертациясини менинг номимга тасдиқлаб  
беришингизни сўрайман

Диссертация

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

(ташкилотлар ёки хўжалик объекти номлари)

\_\_\_\_\_материаллари асосида тайёрланди.

\_\_\_\_\_

(сана)

\_\_\_\_\_

(Магистрант имзоси)

Келишилган:  
“Архитектура муҳитлари дизайни”  
кафедраси мудири

\_\_\_\_\_

(имзо)

\_\_\_\_\_

(сана)

ТАСДИҚЛАЙМАН  
“Архитектура муҳитлари дизайни”  
кафедраси мудири

200\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚЛАР

Тошкент архитектура қурилиш институти ректори 200\_\_ й.  
«\_\_» \_\_\_\_\_ сон буйруғи билан тасдиқланган Архитектура  
муҳитлари дизайни кафедраси бўйича

мавзусидаги магистрлик диссертацияси

Илмий раҳбар \_\_\_\_\_ бошчилигида  
(илмий раҳбарнинг Ф.И.Ш., лавозими, даражаси, унвони)

(магистрантнинг Ф.И.Ш.)

Тугалланган ҳолда 200\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_ да \_\_\_\_\_

«Архитектура муҳитлари дизайни» кафедрасига дастлабки ҳимоя учун  
тақдим этилиши керак.

Тадқиқот ишида \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ фойдаланилди.  
(амалий материаллари нашрлари, ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлари, йўриқномалар)

Ишида \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ бериш кўзда тутилди  
(фотосуратлар, лойиҳалар, чизмалар)

Ишда қуйидаги масалалар баён этилади:

1.: \_\_\_\_\_  
(номи)

\_\_\_\_\_

2.: \_\_\_\_\_  
(номи)

3.: \_\_\_\_\_  
(номи)

\_\_\_\_\_  
(сана, ой, йил)

Илмий раҳбар \_\_\_\_\_  
(исми, фамилияси, илмий даражаси ва унвони)

Магистрант 200\_\_ й. “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ да топшириқни қабул қилди.

Магистрлик диссертациясининг дастлабки нусхасини тугаллаш мўлжали.

1-боб \_\_\_\_\_  
(диссертациянинг дастлабки иш режаси бўйича 1-боб номи ва уни тугатиш муддати)

2-боб \_\_\_\_\_  
(диссертациянинг дастлабки иш режаси бўйича 2-боб номи ва уни тугатиш муддати)

3-боб \_\_\_\_\_  
(диссертациянинг дастлабки иш режаси бўйича 3-боб номи ва уни тугатиш муддати)

Диссертация “Архитектура муҳтилари дизайни” кафедрасида  
200\_\_ й. “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ да дастлабки ҳимоядан ўтди.

Топшириқ берилди: \_\_\_\_\_  
(магистрант илмий раҳбарининг Ф.И.Ш, имзоси, сана)

Топшириқ қабул қилинди \_\_\_\_\_  
(магистрантнинг имзоси, сана)

## МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ ТАДҚИҚОТИНИНГ ТУЗИЛИШИ

|    |                                                                 |
|----|-----------------------------------------------------------------|
| 1. | Илмий-тадқиқот мавзуларининг долзарблигини исботлаш             |
|    |                                                                 |
| 2. | Тадқиқ қилинаётган муаммонинг ҳозирги ҳолати, шарҳи             |
|    |                                                                 |
| 3. | Тадқиқот мақсади ва вазифалари                                  |
|    |                                                                 |
| 4. | Илмий-тадқиқот услубиятини (методикасини) танлаш                |
|    |                                                                 |
| 5. | Тадқиқот материалларини тўплаш, қайта ишлаш ва услубини аниқлаш |
|    |                                                                 |
| 6. | Магистрлик диссертациясининг илмий янгилиги                     |
|    |                                                                 |
| 7. | Тадқиқотнинг амалий аҳамияти                                    |
|    |                                                                 |
| 8. | Тадқиқот натижаларини амалиётда қўллаш жараёни                  |
|    |                                                                 |
| 9. | Тадбиқ қилинаётган таклифларнинг долзарблиги                    |
|    |                                                                 |

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
Тошкент архитектура қурилиш институти  
12-шрифт

Қўлёзма ҳуқуқида  
10-шрифт

Фамилияси, исми, насаби  
12-шрифт

«Магистрлик диссертациясининг номи»  
16-шрифт

Мутахассислик: 5A210902 – «Реклама»  
12-шрифт

Магистр даражасини олиш учун  
12-шрифт

ДИССЕРТАЦИЯ  
16-шрифт

Диссертация кўриб чиқилди ва  
ҳимояга қўйилди

№ \_\_\_\_\_ Баённома « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2010 й.

«Архитектура муҳитлари дизайни»  
кафедраси мудири

« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 200 \_\_\_\_\_ й.  
12-шрифт

Илмий раҳбар

\_\_\_\_\_  
(Ф.И.Ш)

Илмий маслаҳатчи

\_\_\_\_\_  
(Ф.И.Ш)  
12-шрифт

Тошкент – 2010 й.  
14-шрифт

210 мм

20 мм

25 мм

Аннотация  
«Магистрлик диссертациясининг номи»  
мавзусидаги магистрлик диссертациясига

«Архитектура муҳитлари дизайни» кафедраси магистранти  
\_\_\_\_\_томонидан бажарилган  
(Ф.И.Ш)

Тадқиқот мавзусининг долзаблиги

\_\_\_\_\_

Тадқиқот мақсад ва вазифалари \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

Тадқиқотнинг назарий йўналиш асослари \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

Диссертациянинг илмий янгиликлари \_\_\_\_\_

1. \_\_\_\_\_

2. \_\_\_\_\_

3. \_\_\_\_\_

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

Диссертациянинг 1-бобида қуйидагилар ёритилган \_\_\_\_\_

2-бобида қуйидагилар ёритилган \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

Диссертация хулосасида тадқиқот натижалари бўйича қуйидаги хулоса,  
тавсия ва таклифлар берилган \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

(имзо)  
(сана)

\_\_\_\_\_  
(магистрантнинг Ф.И.Ш)

## МУНДАРИЖА

|                                                                                          |                         |
|------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------|
| <b>Сўзбоши.....</b>                                                                      | <b>Бет:</b><br><b>3</b> |
| 1. Магистрлик диссертациясига қўйиладиган асосий талаблар.....                           | 3                       |
| 2. Мавзу танлаш ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш.....                              | 4                       |
| 2.1. Магистрлик диссертациясининг мақсад ва вазифалари.....                              | 4                       |
| 2.2. Кафедрада магистрлик диссертациялари мавзулари.....                                 | 5                       |
| 2.3. Магистрлик диссертацияси мавзусини, иш режасини келишиш ва тасдиқлатиш жараёни..... | 6                       |
| 2.4. Магистрлик диссертациясининг тузилиши ва мазмуни.....                               | 6                       |
| 3. Магистрлик диссертациясини расмийлаштиришга қўйиладиган асосий талаблар.....          | 8                       |
| 3.1. Магистрлик диссертациясининг ҳажми ва расмийлаштириш қоидалари.....                 | 8                       |
| 3.2. Магистрлик диссертациясига бериладиган тақризларга қўйиладиган талаблар.....        | 9                       |
| 4. Иловалар.....                                                                         | 11                      |